

Ўзбекистон Республикаси
Солини салаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруига
илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**«ФИМОЗ ВА ПАРАФИМОЗ»
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК
ПРОТОКОЛЛАР**

“КЕЛИШИЛДИ”

**Республика ихтисослаштирилган
урология илмий-амалий тиббиёт**



маркази директори

Ш.Т. Мухтаров

” “ _____ ” 2025 йил

**«ФИМОЗ ВА ПАРАФИМОЗ»
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК
ПРОТОКОЛЛАР**

Тошкент – 2025

МУНДАРИЖА

«ФИМОЗ ВА ПАРАФИМОЗ» НОЗОЛОГИСНИНГ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ 5

«ФИМОЗ ВА ПАРАФИМОЗ» НОЗОЛОГИЯСНИНГ ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ.....21

«ФИМОЗ ВА ПАРАФИМОЗ» НОЗОЛОГИЯСНИНГ ПРОФИЛАКТИКА ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ..... 28

**«ФИМОЗ ВА ПАРАФИМОЗ»
НОЗОЛОГИСНИНГ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

Тошкент – 2025

1. КИРИШ ҚИСМИ

Ушбу клиник протоколлар Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИУИАТМ), “Ўзбекистон урологлар илмий жамияти”, “Ўзбекистон болалар урологлар жамияти” ва Тошкент тиббиёт академияси урология кафедрасининг мутахассислари, Европа урологлари ассоциацияси (EAU) тавсиялари ва соҳа бўйича олимларнинг маълумотлари асосида тайёрлаган.

Муаллифлар гуруҳи халқаро экспертларнинг фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва клиник протоколлар нашр этилган пайтда эксперт-мутахассислар учун мавжуд бўлган энг ҳаққоний маълумотларни ифодалашини таъкидлаш керак деб ҳисоблайдилар. Клиник протоколлар ҳеч қачон алоҳида беморни даволаш тактикасини аниқлашда клиник тажрибанинг ўрнини боса олмайди, аксинча беморнинг ўзига хос хусусиятлари ва нималарни афзал кўришини ҳисобга олган ҳолда танлов қилишга ёрдам беради.

Миллий клиник протоколлар ХКТ-10 – N47 ва ХКТ-11 – GB05: GB05.0; GB05.1; GB05.2; GB05.3; GB05.4; GB05.Z шифрли Фимоз ва парафимоз (Redundant prepuce, phimosis and paraphimosis) билан касалланган беморларни даволаш, реабилитация ва профилактикаларини олиб боришда қўллашга ҳисобланиб, Улардан Республиканинг барча тиббиёт даволаш-профилактика муассасаларининг урологлари фойдаланишлари мумкин.

Халқаро касалликлар таснифи – ХКТ-10/11 шифрлари:

ХКТ-10	
Коди	Номи
N47	Чекка кертмак териси, фимоз ва парафимоз https://icd.who.int/browse10/2019/en#/N47

ХКТ -11	
Коди	Номи
GB05	Чекка кертмак териси, фимоз ва парафимоз https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/en#1235424571
GB05.0	Чекка кертмак териси https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/en#1720564326
GB05.1	Калта юганча (frenulum breve) https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/en#45944131
GB05.2	Фимоз https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/en#184957512
GB05.3	Парафимоз https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/en#452889019
GB05.4	Чекка кертмак териси https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/en#1166469719
GB05.Z	Чекка кертмак териси, аниқлаштирилмаган фимоз ва парафимоз https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/en#1235424571%2FUnspecified

Миллий клиник протоколни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси.

Миллий клиник протокол 2025 йилда ишлаб чиқилган. Протоколни қайта кўриб чиқиш ҳар 5 йилда ёки ташхислаш, даволаш, реабилитация ва профилактика бўйича далиллар даражаси ўзгариши кузатилганда амалга оширилади.

Миллий клиник протоколни ишлаб чиқиш учун масъул бўлган ташкилот.

Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИУИАТМ).

Мултидисциплинар ишчи гуруҳ аъзолари:

Мухтаров Шухрат Турсунович – Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Акилов Фарход Атауллаевич – Тошкент тиббиёт академияси урология кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Гайбуллаев Асилбек Асадович – “Европейан Медисал Университй” хусусий тиббиёт университети ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Кариев Саидахроп Саидасланович – Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш марказининг Хирургия факултети декани, тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Агзамхўжаев Саиданвар Талатович – Тошкент педиатрия тиббиёт институти урология ва болалар урологияси кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори.

Рахматуллаев Акмал Абадбекович – Тошкент педиатрия тиббиёт институти болалар хирургияси кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Тиллашайхов Мирзағолиб Ниғматович – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Ахмедов Рустам Носирович – Республика шошилинич тиббий ёрдам маркази урология бўлими мудир, тиббиёт фанлари доктори.

Раҳматов Мақсуд Мирзаевич – Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази йетакчи мутахассиси, фтизиоуролог.

Умаров Азиз Рустамович – Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бош шифокорининг акушерлик ишлари бўйича ўринбосари.

Тоиров Бобур Акбарович – Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази дерматокосметология бўлими мудир, тиббиёт фанлари доктори.

Кариев Сарвар Собиржонович – Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази йетакчи мутахассиси, нефролог, тиббиёт фанлари номзоди.

Субботин Марк Борисович – Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази интенсив терапия ва жонлантириш бўлими мудир.

Фозилов Абдуқодир Абдуқаҳҳорович – Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази йетакчи мутахассиси, андролог-сексопатологи.

Адилхўжаев Асқар Анварович – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори.

Иноятов Умид Нуриллаевич – Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази йетакчи мутахассиси, патологоанатом.

Абдуфаттаев Улуғбек Авазжанович – Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази йетакчи мутахассиси, ултратовуш диагностикаси шифокори.

Абдукаримов Боходир Хошимович – Республика ихтисослаштирилган суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази директори ўринбосари.

Тоҳиров Алишер Обидович – Тошкент шаҳар Олмазор тумани кўп тармоқли марказий поликлиника бош шифокори ўринбосари.

Муаллифлар:

Акилов Фарход Атауллаевич – т.ф.д., профессор, тошкент тиббиёт академиясининг урология кафедраси мудири.

Шавахабов Шавкат Шонасирович – т.ф.н., РИУИАТМ илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Нуриддинов Хусниддин Зафариддин ўғли – лаборант-тадқиқотчи, РИУИАТМ кичик илмий ходими.

Тақризчилар:

Божедомов Владимир Александрович – Олий таълимнинг федерал давлат бюджет муассасаси М.В.Ломоносов номли “Москва давлат университети” Фундаментал тиббиёт кафедраси профессори, т.ф.д.

Юлдашов Файзулла Юлдашевич – Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти урология ва онкология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор.

Миллий клиник протокол лойиҳасининг муҳокамаси.

Миллий клиник протоколи Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий кенгашининг 2025-йил _____ сонли йиғилишида кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Миллий клиник протокол ва стандартларни техник баҳолаш бўйича эксперт хулосаси ва таҳрирлаш:

Кариев Саидахроп Саитасланович – Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, урология ва нефрология кафедраси доценти, т.ф.д.

Агзамходжаев Саиданвар Талатович – Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Урология ва болалар урологияси кафедраси мудири, т.ф.д.

Миллий клиник протокол ва стандартларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эксперт гуруҳи мутахассислари томонидан ўтказилган баҳолаш бўйича эксперт хулосаси:

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

Қисқартмалар рўйхати

- РИУИАТМ – Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази
- СЙИ – Сийдик йўли инфекцияси
- ХКТ-10 – Халқаро касалликлар таснифи, 10-ташрих
- ХПН – Халқаро патентланмаган номи
- ИД – Исботланганлик даражаси

Протокол фойдаланувчилари:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази, марказнинг юридик мақомга эга бўлган филиаллари, марказнинг Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази негизидаги филиаллари, Олий таълим муассасалари негизидаги урология бўлимлари, Вилоят кўп тармоқли тиббиёт поликлиникаси, Туман/Шаҳар тиббиёт марказларидаги урология бўлимлари, Туман/Шаҳар кўп тармоқли тиббиёт поликлиникаси уролог-шифокорлари ва оилавий шифокорлари.

Ушбу нозологияда беморлар тоифаси.

Фимоз ва парафимоз билан оғриган эркеклар.

Далилларга асосланган тиббиётнинг далиллари даражаси шкаласи.

Далилларнинг исботланганлик даражасини баҳолаш шкаласи (ташхислаш аралашувлари учун)

Далилларнинг исботланганлик даражаси	
1	Референс усул ёрдамида назорат остида ўтказилган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли шарҳи
2	Референс усул назорати билан ўтказилган айрим тадқиқотлар ёки айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши бундан мустасно
3	Референс усул ёрдамида изчил назоратиз ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усул ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат тавсифи
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари ёки экспертлар хулосаси

Далилларнинг исботланганлик даражасини баҳолаш шкаласи (профилактика, даволаш ва реабилитацион тадбирлар учун)

Далилларнинг исботланганлик даражаси	
1	Мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши
2	Айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши бундан мустасно.
3	Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар серияси тавсифи, “ҳолат-назорат” тадқиқоти
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари (клиника олди тадқиқотлар) ёки экспертлар хулосаси

Тавсияларнинг ишонччилик даражасини баҳолаш шкаласи

Тавсияларнинг ишонччилик даражаси	
A	Кучли тавсия (барча кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилган)
B	Шартли тавсия (айрим кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, айрим тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва/ёки қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)
C	Кучсиз тавсия (сифатли далиллар келтирилмаган, кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари, натижалар) муҳим ўринни эгалламайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати паст ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган.

2. АСОСИЙ ҚИСМ.

2.1. Кириш.

Фимоз - бу жинсий олатни чекка кертмак терисининг бошчаси очилишини қийинлаштирадиган ёки имконсиз қиладиган даражада торайиши билан кечадиган тиббий ҳолат. Ушбу патология бирламчи бўлиши мумкин, бунда торайиш чандиқланиш аломатларисиз содир бўлади ёки иккиламчи, облитерация қилувчи ксеротик баланит каби сурункали яллиғланиш жараёнидагидек чандиқланиш аломатлари билан боғлиқ юз беради. Фимоз, шу жумладан парафимознинг ривожланиши потенциал асоратларга эга бўлиб, бу тиббий аралашувни талаб қиладиган шошилинич ҳолат. Парафимоз кертмак терисининг торайган ҳалқаси жинсий олат бошчасининг орқасига силжиганида юзага келиб, шиш ва қон таъминотининг бузилишига олиб келиши мумкин. Фимоз билан оғриган беморлар кўпинча оғриқ, сийишнинг қийинлишуви ва тўпланган смегманинг парчаланишидан келиб чиққан баланопостит каби асоратлардан шикоят қиладилар. Фимоз билан оғриган болаларда сийиш билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши ва баъзи ҳолларда бу хатто цистит ёки пиелонефрит каби жиддий асоратларга олиб келиши мумкин. Фимозни даволаш консерватив бўлиши, шу жумладан аксарият самарали бўлган стероид терапиясини ўз ичига олиши мумкин. Баъзи ҳолларда, айниқса иккиламчи фимозда, торайишни бартараф этиш ва асоратларни олдини олиш учун хатна каби жарроҳлик аралашуви талаб қилинади.

2.2. Умумий таъриф.

Фимоз – жинсий олатнинг чекка кертмак терисининг торайиши бўлиб, олат бошчаси тўлиқ ёки қисман очилмаслиги билан кечади.

Парафимоз – фимознинг асорати, чекка кертмак терисининг торайган ҳалқасининг жинсий олат бошчасининг орқасига силжиши натижасида юзага келади [1].

2.3. Фимоз ва парафимоз таснифи.

Фимоз чандиқланиш белгилари бўлмаганда бирламчи (физиологик) ёки масалан, облитерацияловчи ксеротик баланитда иккиламчи (патологик) бўлиши мумкин [2]. Болаларда клиник тасвир ноаниқ бўлиши ва патоморфологик тадқиқот натижалари билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин, чунки кўпинча лимфоцитлар туфайли келиб чиқадиган сурункали яллиғланиш тавсифланади [3, 4] (УД: 2b). Фимоз чекка кертмак терисининг узок ёки қисқа муддат давом этадиган кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланган нормал физиологик катланишдан фарқланади. Катланишда меатус аниқ кўринади ва хатна териси қисман қийинчиликсиз тортилади [5]. Чекка кертмак териси тўпланган эпителия детрит ва эрекция туфайли бошчадан ажралиб чиқади. Чандиқ ҳосил бўлмаслиги учун кертмак терисини қўпол олиб ташлаш тавсия этилмайди [6].

Парафимоз кечиштириб бўлмас шошилинич ҳолат ҳисобланади. Қон томир ўрамида жинсий олат бошчасининг орқасида жуда тор кертмак терисини олиб ташлаш стволни сиқиб қўйиши ва бош ва кермак терисининг шишишига олиб келиши мумкин. Бунда констриктив ҳалқадан дистал равишда қон таъминоти бузилади ва кертмак териси некрози хавфи юзага келади.

3. ТЕКШИРУВ УСУЛЛАРИ, УСЛУБЛАРИ, ТИББИЙ МУОЛАЖАЛАР ЁНДОШУВЛАРИ ВА ТАШХИСЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ

3.1. Шикоят, анамнез ва объектив кўрик.

Беморларнинг асосий шикояти-кертмак терисининг очилмаслиги. Жинсий олат бошини мажбуран очишга уриниш ва эрекция вақтида оғриқ пайдо бўлади. Фимоз жинсий алоқани сезиларли даражада мураккаблаштиради ёки уни имконсиз қилади. Препуциал қопчада тўпланган смегма парчаланadi ва инфекцияланади ва бу баланопоститга олиб келади. Беморлар жинсий олатни бошидаги оғриқдан, сийиш пайтидаги оғриқдан шикоят қиладилар. (Болаларда безовталиқ кузатилади.) Узоқ муддат давом этувчи фимоз сийдик чиқаришда қийинчилик туғдириши, унинг ушланиб қолшига олиб келиши мумкин. Сийдик чиқаришнинг бузилиши цистит, пиелонефрит, тош шаклланишига олиб келиши мумкин.

3.2. Фимоз ва парафимозни объектив текшириш ва диагностика қилиш.

Фимоз ташхиси қийинчилик туғдирмайди ва беморнинг шикоятлари ва текширувига асосланади. Текширувда кертмак териси хартум кўринишига эгаллиги кузатилади, бошчани бўшатишга уриниш муваффақиятсиз яқунланади ва кучли оғриқни келтириб чиқаради. Сийдик чиқариш пайтида препуциал қопчанинг ўзига хос шишиши кузатилиб, сийдик ингичка жилдиллаш ёки томчиллаш билан ажралиб чиқа бошлайди. Кўшилган баланопостит кертмак терисининг қичишиши, ачишиши ва қизариши билан кечади. Бошчани киритишга уриниш ёки уни эзиш вақтида, оқиш оқинди пайдо бўлади. Парафимоз фимознинг ўткир асоратидир.

3.3. Асосий ва қўшимча лаборатор текширув усуллари.

Фимоз ва парафимоз диагностикаси беморнинг умумий ҳолатини баҳолаш ва ёндош касалликларни аниқлаш учун турли лаборатория усулларида фойдаланишни ўз ичига олади. Асосий лаборатория усуллари умумий қон таҳлили, биокимёвий қон таҳлили ва сийдик таҳлиlidir. Умумий қон текшируви яллиғланиш жараёнлари, анемия ва қон таркибидаги бошқа ўзгаришлар мавжудлигини баҳолашга имкон беради. Биокимёвий қон текшируви жигар, буйраклар ва бошқа органларнинг бузилишларини аниқлашга ёрдам беради. Сийдик таҳлили инфекция ёки сийдик ажратиш тизимининг бошқа патологиялари мавжудлигини кўрсатиши мумкин.

Ёрдамчи лаборатория усуллари, зарур ҳолларда, ташхисни аниқлаштириш ёки беморнинг аҳволини баҳолаш учун қондаги гормонлар ёки маркерлар даражасини аниқлаш каби қўшимча тадқиқотларни ўз ичига олади. Шунингдек, лаборатория тадқиқотлари жарроҳлик аралашувини режалаштиришда, операцияга тайёргарлик стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

3.4. Асосий ва қўшимча инструментал текширув усуллари.

Фимоз ва парафимоз диагностикаси асосан беморнинг клиник текшируви ва анамнезини ўз ичига олади. Бироқ, жарроҳлик йўли билан даволаш зарур бўлса

ёки асоратларнинг ривожланиши кузатилса, айрим инструментал тадқиқот усулларидан фойдаланиш мумкин.

Асосий инструментал диагностика усуллари ичида сийдик ажраиш тизими ҳолатини баҳолаш ва ёндош касалликларни аниқлаш учун ишлатиладиган ультратовуш текшируви (УТТ) алоҳида ўрин тутати. Электрокардиография (ЭКГ) ва эхокардиография (Эхо-КГ)дан юрак-қон томир тизими ҳолатини баҳолаш ва юзага келиши мумкин бўлган юрак ритми ёки функциясининг бузилишларини аниқлаш учун фойдаланилади.

Анатомик хусусиятларни батафсил ўрганиш ёки юзага келиши мумкин бўлган патологияларни аниқлаш зарур бўлганда, ёрдамчи инструментал усуллар компьютер томографияси (КТ) ёки магнит-резонанс томография (МРИ) каби қўшимча тадқиқотларни ўз ичига олиши мумкин.

Инструментал диагностика усулларидан фойдаланиш клиник ҳолатга кўра қўлланилади ва зарур ҳолларда, даволаш тактикасини аниқлаш ва операцияга тайёргарлик кўриш учун шифокор томонидан индивидуал равишда белгиланиши мумкин.

3.5. Бошқа мутахассислар маслаҳати.

Кўпгина ҳолларда фимоз ва парафимозни ташхислаш ва даволашда бошқа мутахассисларнинг маслаҳати талаб қилинмайди. Бироқ, баъзи ҳолатларда, асоратлар ёки ёндош касалликлар юзага келганда, бошқа тиббиёт мутахассислари билан ҳамкорлик талаб қилиниши мумкин.

Юрак-қон томир тизимини баҳолашда ва юрак ритми ёки функциясининг бузилишлари аниқланганда, айниқса операциядан олдин кардиолог билан маслаҳатлашиш талаб қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, беморнинг индивидуал хусусиятларига ва ёндош касалликларнинг мавжудлигига кўра, эндокринолог, кардиоревматолог, аллерголог ва беморнинг соғлиғини мақбул бошқариш ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш учун бошқа мутахассислар билан маслаҳатлашувлар талаб қилиниши мумкин.

3.6. Ташхислаш алгоритми.



3.7. Қиёсий ташхис ва қўшимча текширувларни асослаш.

Ташхис	Дифференциал диагностика учун асос	Текширув	Ташхисни истисно қилиш мезонлари
Баланит ёки баланопостит	Фимоз ва парафимоз аломатларини имитация қилиши мумкин бўлган жинсий олат бошчаси ва кертмак терисининг яллиғланиши. Баланит олат бошчаси атрофида ва кертмак терисида қизариш, шишиш, қичишиш, ачишиш ва оғриқ келтириб чиқариши мумкин.	1. Сийдик таҳлили 2. Уретра ва/ёки ташқи жинсий аъзолардан суртма таҳлили. 3. Ажралмалар ва/ёки сийдикни бактериологик текшириш	Фимозда кертмак терисининг торайиши жинсий олат бошининг очилишини имконсиз қилади ёки қийинлаштиради ва бу ҳолат баланит (баланопостит)да кузатилмайди.
Жинсий олат саратони	Оғриқ, шишиш, сийишнинг қийинлишуви ва жинсий олат соҳасидаги ноқулайлик каби аломатлар билан кечиши мумкин.	1. Жинсий олат ҳосиласидан биопсия	Фимозда кертмак терисининг торайиши жинсий олат бошининг очилишини имконсиз қилади ёки қийинлаштиради.

4. АМБУЛАТОРИЯ ДАРАЖАСИДА ДАВОЛАШ.

4.1. Дори воситаларисиз (номедикаментоз) даволаш.

А. Соғлом турмуш тарзи элементлари:

- *Гигиена қоидаларига риоя қилиш:* Жинсий олат ва чекка кертмак терисини мунтазам равишда ювиш, тоза ва қуруқ ҳолда сақлаш баланопостит ривожланиши каби фимоз асоратларининг олдини олишга ёрдам беради.
- *Ўртача жисмоний юкламалар:* Жисмоний фаоллик тананинг умумий мустаҳкамликка ёрдам беради ва тўқималарга қон таъминотини яхшилайти. Бироқ, фимоз ва парафимозда жинсий олат соҳасида таъсирланиш ва ноқулайлик туғдириши мумкин бўлган интенсив машқлар тавсия этилмайди.
- *Тамаки ва спиртли ичимликлардан сақланиш:* Чекиш ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш умумий саломатликка салбий таъсир кўрсатиши ва тузалиш жараёнларини секинлаштириши мумкин.

Б. Парҳез. Фимоз ва парафимоз билан оғриган беморларнинг диетаси мувозанатли бўлиши ва умумий саломатликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак, бироқ ушбу касаллик учун махсус парҳез мавжуд эмас. Умумий тавсиялар қуйидагиларни ўзи ичига олади:

- *Антиоксидантларга бой овақатланиш:* Мева, сабзавот ва кўкатлар иммунитет тизимини мустаҳкамлашга ва шифо топишга ёрдам беради.
- *Ўртача туз истеъмоли:* Рациондаги туз миқдорини чеклаш шиш хавфини камайтиради ва умумий саломатликни яхшилайти.
- *Сув ичиш:* Тананинг тўғри намланиши мақбул қон босимини ушлаб туриш ва сувсизланишнинг олдини олиш учун муҳимдир.

В. Препуциумни қўлда чўзиш (мануал ажратиш). Юмшоқ препуциал ретракция шифокор томонидан амбулатория шароитида амалга оширилади. Ушбу жарроҳлик бўлмаган адгезиолизис фимозни даволашнинг самарали, арзон ва хавфсиз усули эканлиги исботланган. Бироқ, сезиларли устунликни намоён этмаган [7-9].

4.2. Дори воситалари билан (медикаментоз) даволаш.

Бирламчи фимозда консерватив даво танлов усули ҳисобланади. Стероид терапия плацебо ва мануал ажратишдан кўра самаралироқдир [10]. Кортикостероид малҳам ёки креми (0,05–0,1%)ни 20-30 кун давомида 90% дан ортиқ самарадорлик билан буюриш мумкин (УД: 1b) [11-14]. Рецидивлар даражаси 17% [15]га етиши мумкин. Ушбу даволаш усули ножўя таъсирларга эга эмас ва бир марталик қон таҳлилларида ўртача кортизол даражаси даволанмаган беморлар гуруҳида аниқланганидан сезиларли даражада фарқ қилмайди (УД: 1b) [16]. Глюкокортикоидлардан топик фойдаланиш гипоталамо-гипофизли буйрак устки ўқнинг функциясига таъсир кўрсатмайди [17]. Стероидли терапияда чекка кертмак терисининг қатланиши ўзгармайди (УД: 2) [12].

Асосий дори воситалари рўйхати

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори воситасининг ХПН	Қўллаш усули	Исботланганлик даражаси	Ҳаволалар
Глюкокортикостероидлар	Бетаметазон 0,05%	Ташқи қўллаш учун	1b [11-14]	https://mediqlab.com/mnn/0fdec429-8a15-41d7-b362-1c1e769739e4

4.3. Жарроҳлик аралашуви.

Болаларда фимозни даволаш ота-оналарнинг қарори бўйича амалга оширилади ва бола икки ёшга тўлганда пластик ёки радикал хатна қилишдан иборат бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда, муқобил сифатида айниқса ривожланаётган мамлакатларда ShangRing қурилмасидан фойдаланилади [18]. Пластик хатна қилиш чекка кертмак терисини тўлиқ олиб ташлаш имконияти билан кенг ҳажмдаги кесишни таъминлаш ва шу билан бир вақтда уни сақлаб қолиш мақсадида амалга оширилади (дорсал кесиш, қисман хатна қилиш, "резубец" тури бўйича пластика). Бироқ, ушбу муолажа фимознинг қайталаниш хавфини сақлаш қолади [19]. Айнан ушбу жарроҳлик амалиёти давомида битишмалар ажратилади ва френулумия йўли билан қисқаришга таъсир қилувчи уздечкалар корригирланади. Зарур ҳолларда, қўшимча отопластика амалга оширилади.

Иккиламчи фимоз хатна қилиш учун мутлақ кўрсаткич ҳисобланади. Бирламчи фимозда жарроҳлик учун кўрсатмалар, уларнинг ривожланиш аномалиялари фонида даврий баланопоститис ва даврий сийдик чиқариш йўллари инфекцияларини (СЧЙИ) ўз ичига олади (УД: 2b) [20-23]. Хатна жинсий олат бошчасидаги уропатоген ва бошқа бактерияларнинг тўпланишини сезиларли даражада камайтиради (УД: 2b) [24]. Сийдик чиқариш пайтида кертмак терисининг оддий шишишида хатна қилиш шарт эмас.

Янги туғилган чақалоқларда жинсий олатни саратонининг олдини олиш учун хатна қилиш тавсия этилмайди. Яқинда ўтказилган мета-таҳлил натижасида хатна қилинмаган фимоз кузатилмаган беморларда саратон хавфи ошмаслиги аниқланди [25]. Хатна ўткир маҳаллий инфекцияларда ва жинсий олатнинг туғма нуқсонларида, айниқса гипоспадия ёки яширин жинсий олатда тавсия этилади, чунки чекка кертмак териси реконструктив муолажалар учун талаб қилиниши мумкин [26, 27]. Хатна коагулопатияда амалга оширилиши мумкин. Гемостатик ёки диатермокоагуляция дориларидан фойдалангандаги асоратлар (қон кетиш) частотаси 1-5% [28, 29]ни ташкил этади. Болалик даврида хатна қилишнинг асоратлари частотаси жуда юқори, шунинг учун тиббий кўрсатмалар бўлмаган тақдирда хатна қилиш тавсия этилмайди, бироқ эпидемиологик ва ижтимоий жиҳатларни ҳисобга олиш лозим (УД: 1b) [30-33]. Склерозли баланит 20% ҳолларда хатнадан кейин меатостенознинг ривожланишига олиб келади ва шу сабабли қўшимча равишда маҳаллий стероидли терапияни буюриш тавсия этилади [4, 34].

Парафимозни даволаш чекка кертмак терисининг шишган тўқимасини қўлда эзиш, сўнгра жинсий олатни боши орқали чўзилган терини орқага тортишга уринишдан иборат. Сиқилган тўқималарни бўшатиш учун гиалуронидаза ёки 20%

маннитол юбориш мумкин (УД: 3-4) [35, 36]. Агар бу манипуляция самарасиз бўлса, констриктив ҳалқани дорсал сирт бўйлаб ажратиш талаб қилинади. Беморнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, хатна дарҳол амалга оширилади ёки даволанишнинг кейинги босқичига қолдирилади.

4.4. Кейинги даволаш.

Фимозга оид ҳар қандай жарроҳлик операциясидан 4-6 ҳафта ўтгач, кейинги текширув ўтказилиши керак.

4.5. Даволаш самарадорлиги ва усулларнинг хавфсизлиги индикаторлари.

Даволаш самарадорлиги ва диагностика ва даволаш усулларининг хавфсизлиги индикаторлари фимоз ва парафимоз бўйича протоколни қўллаш натижаларини баҳолаш ва назорат қилишда муҳим роль ўйнайди. Ушбу индикаторлар протоколда тавсифланган усуллар қанчалик муваффақиятли ва хавфсиз эканлиги ҳақида маълумот беради ва даволаш усулларини тузатиш ёки такомиллаштириш зарурлигини аниқлашга ёрдам беради. Қуйида бир нечта эҳтимолий самарадорлик ва хавфсизлик индикаторлари берилган:

1. **Клиник симптомларнинг яхшиланиши.** Беморларда оғриқ, шиш, қичишиш, қизариш ва тузалиш каби клиник белгиларнинг пасайиши ёки йўқолиши даволаш самарадорлигининг индикатори бўлиб хизмат қилиши мумкин.
2. **Асоратларнинг оғирлик даражаси.** Даволаш усулларидадан фойдалангандан кейин инфекциялар, қон кетиши ёки рецидивлар каби асоратлар пайдо бўлмаслигини кузатиб бориш ушбу усулларнинг хавфсизлигини баҳолашга имкон беради.
3. **Беморнинг қониқиш даражаси.** Беморлардан олинган сўровномалар ва уларнинг фикр-мулоҳазалари даволаниш натижалари ва парвариш сифатидан қай даражада мамнун эканликлари ҳақида маълумот бериши мумкин.
4. **Тикланиш даври.** Даволанишдан кейинги тикланиш учун зарур бўлган вақт, айниқса, турли хил даволаш усулларида муҳим индикатор саналади.
5. **Рецидивлар частотаси.** Агар фимоз ёки парафимоз рецидивларга мойил бўлса, бу ҳол даволаш усулларини қайта кўриб чиқиш зарурлигининг индикатори бўлиши мумкин.
6. **Протоколга риоя этиш.** Даволашнинг қай даражада протоколга мувофиқ бажарилишини баҳолаш самарадорлик ва хавфсизликка таъсир қилиши мумкин.
 - Юқоридаги индикаторлар протоколда тавсифланган диагностика ва даволашнинг ўзига хос усуллари ва беморларнинг хусусиятларига мувофиқ конкретлаштирилиши ва мослаштирилиши мумкин.

5. ШИФОХОНАГА ЁТҚИЗИШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

5.1. Режали госпитализация учун кўрсатмалар.

- **Режалаштирилган жарроҳлик амалиёти.** Агар беморда фимоз касаллигини даволаш учун циркумцизия каби жарроҳлик амалиёти талаб қилинса ва ушбу муолажа зудлик билан аралашувни талаб қилмаса, бемор режалаштирилган тарзда госпитализация қилиниши мумкин.
- **Даволаш режасини ишлаб чиқиш.** Агар беморда фимоз ёки парафимоз бўлса ва даволаш режасини, шу жумладан жарроҳлик даволашни ишлаб чиқиш лозим бўлса, бу ҳолда ҳам режалаштирилган госпитализация талаб қилиниши мумкин.
- **Болалар ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари.** Ўткир асоратлари бўлмаган фимоз билан оғриган болаларда, улар маълум бир ёшга етганида хатна каби режали муолажалар билан боғлиқ касалхонага ётқизиш бўйича қарор қабул қилиниши мумкин.

5.2. Шошилинч госпитализация учун кўрсатмалар.

- **Парафимоз.** Парафимоз касаллигида, торайган чекка кертмак териси жинсий олат бошининг орқасига чиқариб ташланган, бироқ энди жойига қайтариб бўлмаганда, беморни шошилинч госпитализация қилиш зарур. Бу шошилинч ҳолат ҳисобланади ва беморни дарҳол касалхонага ётқизиш керак.
- **Асоратлар.** Инфекциялар, қон кетиш, сийдикни ўткир тутилиши ёки фимоз ёки парафимоз билан боғлиқ бошқа ўткир тиббий муаммолар каби асоратлар беморни шошилинч госпитализация қилишни талаб этади.
- **Ёндош тиббий муаммолар:** агар беморда вазиятни оғирлаштирадиган ва шошилинч аралашувни талаб қиладиган ёндош тиббий касалликлар ёки хавф омиллари бўлса, бу ҳол шошилинч госпитализацияни талаб қилиши мумкин.

6. СТАЦИОНАР ДАРАЖАДА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ.

6.1. Беморни кузатиш картаси, беморнинг йўналтириш.

6.1.1. Беморни кузатиш картаси:

- Шахсий маълумотлар: беморнинг исми, ёши, алоқа маълумотлари.
- Касаллик тарихи ҳақида маълумот: олдинги касалликлари, жарроҳлик аралашувлари, аллергия ва бошқа тиббий хусусиятлар.
- Жорий аломатлар тавсифи: бемор сийишдаги қийинчиликлар, оғриқ, яллиғланиш ва ноқулайликдан шикоят қилади.
- Жисмоний текширув: фимоз даражасини баҳолаш, парафимоз мавжудлиги, жинсий олат боши ва унинг атрофидаги тўқималарнинг ҳолатини аниқлаш.
- Лаборатория текширувлари натижалари: умумий қон ва сийдик таҳлиллари каби лаборатория текширувлари яллиғланиш жараёнларини аниқлашга ёрдам беради.
- Ташхис: фимоз ёки парафимоз ташхисини қўйиш.
- Тиббий даволаш режаси: даволаш бўйича тавсияларни тайинлаш, шу жумладан, даволаш (жарроҳлик) усулини, дори-дармон ва даволаш давомийлигини танлаш.
- Кузатишлар ва тавсиялар: вақт ўтиши билан беморнинг аҳволида қандай ўзгаришлар юз бериши ва тиббиёт мутахассисларининг тавсияларини қайд этиб бориш.

6.1.2. Беморни йўналтириш (1-расмга қаралсин):

- Зудлилиқни баҳолаш. Шошилиқ тиббий ёрдам зарурлигини баҳолаш. Масалан, некрозни олдини олиш учун парафимозда фавқулдда йўналтириш талаб қилиниши мумкин.
- Тиббий муассасани танлаш: даволаниш амбулатория шароитида ўтказиладими ёки госпитализация зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш керак.
- Ташишни ташкил қилиш: жарроҳлик аралашувни талаб қиладиган парафимоз ёки фимозда, беморни даволаниш жойига ташишни ташкил қилиш керак.
- Алоқа ўрнатиш: ўз вақтида ва малакали ёрдамни таъминлаш учун шифокорлар, ҳамширалар ва бошқа мутахассислар ўртасида алоқани ўрнатиш ва мувофиқлаштириш.

6.2. Номедикаментоз даволаш.


Соғлом турмуш тарзи ва парҳез элементлари амбулатория даволаш бўлимида тасвирланган.

6.3. Медикаментоз даволаш.

Медикаментоз даволаш амбулатория даволаш бўлимида тасвирланган. Глюкокортикоид терапияси стационар шароитда қўлланилмайди.

6.4. Жарроҳлик аралашуви.

Фимоз ва парафимозни жарроҳлик йўли билан даволаш амбулатория шароитида жарроҳлик даволаш бўлимида тасвирланган.



1-расм. Беморни йўналтириш картаси.

6. Кейинги даволаш.

Фимозга оид ҳар қандай жарроҳликдан сўнг 4-6 ҳафта ўтгач, кейинги текширув ўтказилиши керак.

7. Даволаш самарадорлиги ва усулларнинг хавфсизлиги индикаторлари

Даволаш самарадорлиги ва диагностика ва даволаш усулларининг хавфсизлиги индикаторлари тегишли бўлимда илгари тавсифланган.

**«ФИМОЗ ВА ПАРАФИМОЗ»
НОЗОЛОГИЯСИННИНГ ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАРИ
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

Тошкент – 2025

1. АСОСИЙ ҚИСМ

1.1. Кириш.

Ушбу протокол кистани олиб ташлаш амалиётини бажариш бўйича расмий тавсиялар ва стандартларни акс эттиради. Протокол жарроҳлик даволаш усули, анестезия, амалиётни бажариш техникаси ҳамда асосий ва қўшимча диагностика чоралари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Шунингдек, унда муолажани ўтказувчи мутахассисга қўйиладиган талаблар ва циркумцизияни ўтказиш шартлари тавсифланади. Протокол, шунингдек, муолажага қарши кўрсатмалар ҳақида ҳам огоҳлантиради ва уни амалга ошириш учун кўрсатмаларни беради. Ниҳоят, у муолажанинг самарадорлиги кўрсаткичлари ва протоколни қайта кўриб чиқиш шартлари тўғрисида маълумот беради. Ушбу протокол тиббий стандартларга риоя қилган ҳолда циркумцизия муолажасининг хавфсиз ва самарали бажарилишини таъминлаш учун ишлаб чиқилган.

1.2. Умумий таъриф.

Фимоз – жинсий олат чекка кертмак терисининг торайиши бўлиб, унда бошчани тўлиқ ёки қисман очилиши имконсиз бўлади.

Парафимоз – фимознинг асорати, чекка кертмак териси халқасининг жинсий олат бошчасининг орқасига силжиши натижасида келиб чиқади [1].

Циркумцизия – жинсий олат чекка кертмак терисини хатна қилиш муолажаси.

1.3. Клиник тасниф.

Фимоз ва парафимозга тиббий аралашув учун клиник тасниф ушбу ҳолатларнинг оғирлиги даражаси ва этиологиясига асосланади. Қуйида энг кенг тарқалган ёндашувларни кўриб чиқамиз:

Фимоз касаллигида тиббий аралашувнинг клиник таснифи:

- А. *Физиологик фимоз*. Ёш болаларда фимоз кўпинча физиологик бўлади ва бу ҳолда даволаш талаб этилмайди. Бироқ, фимоз катта ёшда ҳам давом этса ва муаммо туғдирса, кортикостероид малҳамлар ёки кремлар ёрдамида консерватив даво қўлланилиши мумкин.
- Б. *Патологик фимоз*. Тиббий аралашув масаласи оғирлик даражаси ва этиология асосида кўриб чиқилади:
 - Енгил фимоз. Кортикостероид малҳамлар ва кремлар билан даволаш мумкин. Агар консерватив даво самарасиз бўлса, унда пластик хатна қилиш ёки радикал муолажани қўллаш имконияти кўриб чиқилади.
 - Ўртача оғирликдаги фимоз. Даволаш консерватив усуллар билан бошланади. Агар улар бемор ҳолатининг яхшиланишга олиб келмаса, жинсий олатни нормал ишлашини таъминлаш учун пластик хатна қилиш талаб қилиниши мумкин.
 - Оғир фимоз. Тиббий аралашувни талаб қилади ва кўпинча жинсий олат анатомиясини тиклаш учун пластик хатна қилиш керак бўлади.

Парафимозда тиббий аралашувнинг клиник таснифи:

А. Парафимоз. Бу шошилиш тиббий аралашувни талаб қиладиган ўта оғриқли ҳолат. Даволаш касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқ:

- Енгил парафимоз. Енгил парафимознинг дастлабки босқичида чекка кертмак терисининг нормал ҳолатини қўлда тиклашга ҳаракат қилиш мумкин. Буни фақат шифокор назорати остида амалга ошириш лозим.
- Ўрта ва оғир парафимоз. Жиддий ҳолатларда, жинсий олатнинг констриктив ҳалқасини ажратиш амалиёти талаб қилинади. Бу муолажа ҳам фақат тиббиёт мутахассислари томонидан амалга оширилиши керак.

Тиббий аралашувларнинг халқаро таснифи (ICHI).

№	Жарроҳлик номи	Халқаро тасниф коди (ICHI) https://icd.who.int/dev11/1-ichi/en
1.	<ul style="list-style-type: none">– Жинсий олатни бўшатиш– Жинсий олат битишмалари лизиси– Жинсий олат битишмаларини ажратиш– Препуциал битишмалар лизиси кенгайтириш билан– Препутиотомия– Хордани чиқариш– Жинсий олат битишмаларини бўшатиш– Мембранали жинсий олатни бўшатиш– Жинсий олатнинг чекка кертмак терисини дорсал ёки латерал кесиш	NGM.FC.AA

2. ФИМОЗ ВА ПАРАФИМОЗДА ЖАРРОҲЛИК АРАЛАШУВЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ.

2.1. Жарроҳлик йўли билан даволашнинг мақсади.

Фимоз ёки парафимозда циркумцизияни ўтказишнинг мақсади - жинсий олат кертмак терисининг торайишини бартараф этиш, унинг нормал фаолиятини тиклаш ва гигиеник ҳолатини яхшилаш, баланопостит каби асоратларнинг олдини олиш ва жинсий олатни яхшироқ парвариш қилишдир.

2.2. Жарроҳлик амалиёти учун қарши кўрсатмалар

- Жарроҳлик жойидаги ўткир инфекциялар.
- Сепсис каби ўткир ёки сурункали умумий инфекциялар.
- Реконструктив жарроҳликни талаб қилиши мумкин бўлган мураккаб жинсий олат аномалиялари.
- Болалардаги гипертензия, чунки умумий анестезия талаб қилиниши мумкин.
- Коагулопатия ёки қон кетиши.
- Хабардор қилинган розиликнинг мавжуд эмаслиги каби бемор қарши кўрсатмалари.
